ЗАРАФШОН ВИЛОЯТИДАГИ ЕР-СУВ ИСЛОҲОТИ ТАРИХИДАН

М.Э. Асқаров

Мақолада тарихий манбалар асосида XX асрнинг 20–30-йилларида Ўзбекистонда совет ҳукумати томонидан амалга оширилган ер-сув ислоҳоти моҳияти ва унинг оқибатлари ёритилган.

Калит сўзлар: *декрет, қишлоқ хўжалик, деҳқон, вақф, ислоҳот.*

В статье на основе исторических источников освещаются сущность и последствия земельно-водных реформ, проводимых в Узбекистане советской властью в 20-30-х годах XX века.

Ключавые слова: *декрет, сельское хозяйство, дехканин, вакуф, реформа.*

In this article studies the basis of historical and archival materials dealing with the essence lend-water reforms policy directed against region in Uzbekistan during the 20s-30s of the XX th century.

Key words: *decree, agri culture, peasant, waqoof, reform.*

Мустақиллик йилларида Ўзбекистон тарихининг 1920-1930 йиллар воқеаларини янгича мушоҳада этиш, бу даврда кечган жараёнларни танқидий ўрганиш, совет ҳокимияти томонидан ўтказилган турли "социалистик ўзгартиришлар"ни холисона ёритиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Президентимиз И.А.Каримов таъкидлаганидек, "Ўз тарихини билган, ундан руҳий қувват оладиган халқни енгиб бўлмас экан, биз ҳаққоний тарихимизни тиклашимиз, халқимизни, миллатимизни ана шу тарих билан қуроллантиришимиз зарур. Тарих билан қуроллантиришимиз, яна бир бор қуроллантиришимиз зарур" [1.25].

Республикада амалга оширилган ана шундай сиёсатлардан бири 1925-1929 йиллардаги ер-сув ислоҳотидир. Бу сиёсат ўзида бир қатор зиддиятли жараёнларни жамлаганки, уларни бугунги кун нуқтаи назаридан таҳлил қилиш тарихшуносликнинг муҳим масалаларидан бири саналади.

Ўрта Осиёда миллий давлат чегаралашидан кейин Ўзбекистон ССРда қишлоқ иқтисодиётини юксалтиришнинг устувор омилларидан бири сифатида кенг миқёсли аграр ислоҳотни авж олдириш йўли танланди. Уни амалга оширишнинг зарурлигини вужудга келган муаммоларнинг кескинлиги ҳам тақозо қиларди. Чунки ўлкада ҳануз ерсизлик сақланиб қолган эди. 1925 йилга келиб ҳар 100 та хўжаликдан 13 таси экин экиладиган ерга эга эмасди. Ерсиз ва 2 десятинагача ерга эга бўлган хўжаликлар 71,8 фоизни ташкил этарди [3.84]. Бу даврда ўзбек қишлоғида камбағал деҳқонлар аҳолининг аксарият қисмини ташкил қилган. 1925 йилда ўртаҳол деҳқонлар кам ерли деҳқонларга нисбатан 2-3 баравар кам эди. 1926 йилда Зарафшон ва Фарғона областларида 52 фоиз хўжалик бир десятинадан ҳам оз ерга эга бўлган. Зарафшон области бўйича 2 десятинадан оз ерга эга бўлган хўжаликлар 54 фоизни, Тошкент ва Самарқанд областлари бўйича эса 42 фоиз хўжаликни ташкил қилган [12.1].

Ўзбекистонда ўтказилажак ер-сув ислоҳотининг стратегия ва тактикаси Ўзбекистон компартиясининг II съездида (1925 йил ноябрь) тасдиқланди. Съезд қарорларида алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, ер ислоҳоти шундай аҳволни таъминлаши лозим эдики, унда "хусусий мулкчилик муносабатлари давлатнинг социалистик иқтисодиёт таъсирига бўйсундирилиши керак" эди. Съезд дарҳол "Ўзбекистон ССР ҳудуди доирасидаги ер ва сувни национализация қилишга киришиш, ердан фойдаланувчи йирик хўжаликлар гуруҳини тугатиш"га даъват этди. Майда деҳқон хўжаликларининг ҳақиқатда доимий ёлланма ишчилар ва чорикорлар жалб қилмасдан ишлов берадиган майдонлари уларга бириктириб қўйиладиган ер нормаси деб эълон қилинди [8. 238, 242].

Ўзбекистон КП II съездининг мафкуравий йўл-йўриқларига мувофиқ 1925 йил 2 декабрда ЎзССР Марказий Ижроия комитетининг фавқулодда сессиясида "Ер ва сувни национализация қилиши тўғрисида" декрет қабул қилинди. Унда ерни тортиб олиш шарт-шароитлари ва аграр ислоҳот босқичлари белгилаб берилган эди. Аввалроқ қабул қилинган ТАССР ва БХСР нинг "Ер ва сувни национализация қилиш тўғрисида"ги қарорларини ривожлантирган бу декретда "бутун ер, ўрмон, сув, Ўзбекистон ССР ҳудудидаги ер ости бойликлари ЎзССР нинг давлат мулки ҳисобланади" деб таъкидланган эди. Декретга кўра Тошкент ва Самарқанд вилоятларидаги 50 десятинадан ортиқ ери бор "помешчик типи"даги хўжаликлар ва Фарғона вилоятидаги 40 десятина ери бор хўжаликлар мусодара қилиниши кўзда тутилган эди. 7-10 десятинадан ортиқ ери бор хўжаликлар эса қисқартирилиши лозим эди [12. 244,246].

Ўзбекистонда ер-сув ислоҳотини ўтказиш босқичма-босқич амалга оширилди. Биринчи босқич – 1925-1926 йилларда Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятларида ўтказилган бўлса, иккинчи босқич – 1926-1927 йилларда Зарафшон вилоятида ўтказилди. Бу тадбир Ўзбекистон ССР МИКнинг 1926 йил 16 декабрдаги "Зарафшон вилоятидаги ер-сув ислоҳоти тўғрисида" декрети асосида амалга оширилди.

Зарафшон вилояти Бухоро Республикасининг Ўзбекистонга қўшилган ҳудудининг марказий қисмида (ҳозирги Бухоро ва Навоий вилоятлари ўрнида) ташкил қилинган бўлиб, ислоҳот арафасида Зарафшон вилояти қишлоқ аҳолиси ўртасида ерсизлик ва кам ерлилик мавжуд эди. Масалан, 1926 йилда вилоятдаги 3 фоиз хўжаликда умуман ер бўлмаган, 25 фоиз хўжалик 1 десятинагача, 14 фоиз хўжалик 1 десятинадан 1,5 десятинагача ерга эга бўлган. Кўриниб турганидек, жами хўжаликларнинг 42 фоизи ёки 42469 хўжалик ерсиз ёки кам ерли хўжалик бўлган. Уларнинг ихтиёрида вилоятдаги барча суғориладиган ерларнинг бор-йўғи 12,4 фоизи бўлган, холос [7.22-23]. Ерсиз ва кам ерли деҳқонлар қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ва иш ҳайвонлари билан ҳам етарлича таъминланмаган эди. Чунончи, ерсиз ва кам ерли сифатида тан олинган 42469 хўжаликдан 25671 таси иш ҳайвонларига эга эмас эди, айни вақтда 7505 хўжаликда эса асбоб-ускуналар ҳам бўлмаган [7. 2-7].

Ўзбекистон қишлоқлари ўзига хос майда ва тарқоқ ер участкаларига бўлингани билан ҳам ажралиб турарди. Майда деҳқон хўжаликлари, асосан, азалдан суғориладиган кичик ҳудудларда, кўпроқ Фарғона водийсида, Тошкент, Зарафшон ва Хоразм вилоятларида тўпланган эди. Фарғона водийсидаги деҳқон хўжаликларига тегишли ер участкаларининг 25 фоизи қўшни қишлоқларда

жойлашган эди. Бу ерларнинг ярми бошқа волость қишлоқлари ҳудудида бўлган. Зарафшон областида ўртача 1 та хўжаликка 2,5 та ер участкаси, Хоразмда ўртача 1,5 участка тўғри келган. Ер эгалигининг бундай шакли ҳам муайян қийинчиликларни вужудга келтирар эди [5.37-38].

1927 йил январидан Зарафшон вилоятида ислоҳотни ўтказиш бўйича амалий ишлар бошланиб кетди. Ислоҳотни ўтказишга умумий раҳбарлик қилиш учун ЎзССР МИК ҳузурида ВКП(б) МК Ўрта Осиё бюроси раиси И.А.Зеленский раислигида А.Икромов, В.Иванов, Ф.Хўжаевлардан иборат Марказий комиссия ташкил қилинди.

Ислоҳотни ғоявий-ташкилий жиҳатдан таъминлаш учун партия-давлат комиссиясидан ташқари, жойларда вилоят, уезд ва волость комиссиялари тузилди. Ислоҳот бошланишидан олдиноқ вилоятнинг барча уезд ва қишлоқларида фаол ташвиқот-тарғибот ишлари авж олдириб юборилди. Ҳамма жойда “Қўшчи” иттифоқи аъзоларининг йиғилишлари, махсус қишлоқ йиғинлари бўлиб ўтди, уларда фаол чорикорлар, мардикорлар, ерсиз деҳқонлардан иборат ислоҳотга кўмаклашувчи ячейкалар тузилди. Улар ёрдамида барча тоифадаги хўжаликларнинг рўйхатлари тузилиб, ерга муҳтож бўлганлар сони аниқланди, “ортиқча” иш ҳайвонлари ва зўрлик билан тортиб олиниши лозим бўлган “меҳнат билан шуғулланмайдиган” хўжаликлардаги қишлоқ хўжалик асбоблари ҳам ҳисобга олинди.

Оммавий тарғибот ва ташвиқот ишларининг авж олдирилиши ҳамда кўп сонли ерсиз, камбағал деҳқонлар кенг жалб этилиши натижасида 1927 йилнинг февраль ойи бошларида вилоятда ислоҳот деярли якунланди. Ислоҳот давомида Зарафшон вилоятида 1072 хўжаликдан ер тамоман тортиб олинди. Бу хўжаликлардан 76 таси “помешчик типидаги” хўжалик, 95 таси собиқ амирлик амалдорлари хўжалиги, 901 таси эса белгиланган нормадан ортиқча ерга эгалик қилиб, ерига ўзи ишлов бермай, ёлланма меҳнатдан фойдаланаётган хўжаликлар эди [6.162]. Бу хўжаликлардан ер билан бирга иш ҳайвонлари ва қишлоқ хўжалик асбоб-ускуналари ҳам мусодара қилинди.

Вилоятдаги 2369 хўжаликдан эса “ортиқча” ерлар тортиб олинди, шунингдек, бу хўжаликлар тасарруфидаги нормадан ортиқ деб ҳисобланган иш ҳайвонлари, асбоб-ускунлар ҳам давлат томонидан белгиланган қатъий нархларда ерсиз деҳқонларга тарқатиш учун сотиб олинди.

Вилоятдаги ерсиз ва кам ерли хўжаликларга тақсимлаш учун ташкил этилган ер фондида мусодара қилинган ва қирқиб олинган ерлар ҳисобига 19810,75 десятина ер жамланди. Бу фоднинг 8914,80 десятинасини мусодара қилинган ерлар, 10895,95 десятинасини эса қирқиб олинган ерлар ташкил қилди. Айни вақтда бу ер фондига бошқа манбалардан 9679,61 десятина ер ҳам қўшилди. Бу ерларнинг 5884,87 десятинаси давлат ер мулки (ГЗИ) фондидан, 31,50 десятинаси вақф ерларидан, 3504,93 десятинаси эгасиз ерлардан, 97,81 десятинаси эмигрантлардан олинган ерлар, 160,50 десятинаси эса бошқа манбалардан олинган эди. Шунингдек, қайта тақсимлаш фондига 6359 десятина янги ўзлаштирилган ерлар ҳам қўшилди [4.29-30].

Умуман, ерсиз ва кам ерли деҳқонларга тақсимлаш учун ташкил этилган ер фондига 35849,36 десятина ер жамланади. Шу билан бирга бу фондга 412 бош мусодара қилинган ва 1883 бош сотиб олинган иш ҳайвони ҳам қўшилди [12.15]. Бундан ташқари фондда камбағал деҳқонларга тақсимлаш учун мусодара қилинган 574 та омоч, ўроқ ва бошқа қишлоқ хўжалик асбоблари ҳам бор эди [11.57].

Зарафшон вилоятида ўтказилган ер-сув ислоҳоти натижасида мусодара қилинган ерлар ҳисобидан 9800 хўжаликка, янги ўзлаштирилган ерлар ҳисобидан эса 1449 хўжаликка ер тақсимлаб берилди [13.16]. Ислоҳот давомида ер олган хўжаликлардан 316 таси 27 та қишлоқ хўжалик артелларига бирлаштирилди.

Мусодара қилинган ерлар ҳисобидан ер тақсимланган 9800 хўжаликдан 5546 тасини ерсиз чорикорлар, 2347 тасини кам ерли деҳқонлар, 1622 тасини батраклар, 285 тасини бошқа майда хўжаликлар ташкил қилди.

Зарафшон вилоятидаги ер-сув ислоҳоти Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятларида ўтказилган ислоҳотлар кўринишида ўтказилган бўлса-да, айрим ўзига хосликлар ҳам намоён бўлди. Тарихдан маълумки, Бухоро аҳолиси нисбатан тақводор бўлиб, руҳонийларнинг маҳаллий аҳолига таъсири кучли эди. Ислоҳот давомида совет ҳукумати вақф ерларининг мусодара қилинишига руҳонийлар бошчилигидаги аҳоли кескин қаршилик қилишидан хавфсираб, вақф ерларидан қайси хўжалик фойдаланаётган бўлса, ўша хўжаликка бириктириб қўйишга қарор қилди. Зарафшон вилоятида ўтказилган ислоҳотни Фарғона, Тошкент, Самарқанд вилоятларидаги ислоҳотдан фарқи ҳам шунда эди. Зарафшон вилоятида ерсиз деҳқонларга тақсимланадиган ер фондига жуда кам вақф ерлари тушган. Чунки вақф ерларининг асосий қисми вақфкор деҳқонларга бириктириб қўйилган эди. Бу вилоятда ер фондига фақат меҳнаткаш деҳқонлар фойдаланмаётган маданий-маърифий вақф ерлари киритилган, холос. Фарғона вилоятида давлат ер фондига ўтказилган вақф ерлари нисбатан кўп бўлган. Холбуки, Бухоро республикасининг энг унумдор ерларини ўз ичига олган Зарафшон вилоятида вақф ерлари Фарғона вилоятига нисбатан анча кўп бўлган. Масалан, Фарғона вилоятида ҳисобга

олинган жами вақф ерлари 31593 десятина яъни, 189558 танобни ташкил қилган бўлса, Бухоро республикаси ҳудудидаги вақф ерлари 488265 таноб, шундан 27037 таноби маданий-маърифий вақф ерлари бўлган [9. 294].

Ўзбекистонда 1925-1929 йилларда ўтказилган ер-сув ислоҳотининг умумий якунлари бўйича хулоса қилиш мумкинки, ўзбек қишлоқларини қайта қуришдан иборат мустамлака – мустабидча андозанинг советларга хос шаклини вужудга келтириш соҳасидаги дастлабки ҳаракатлардан бири ерни умумийлаштириш чоралари бўлди. Иқтисодиётнинг бошқа соҳаларида бўлганидек, бу ҳаракат ҳам хусусий мулкни давлат мулкига айлантириш воситасида амалга оширилди, лекин у хўжалик юритишнинг шундай тизими билан тўлдирилдики, бу тизим марказнинг аграр соҳани танҳо ўзи бошқаришини осонлаштирди. Шу билан бирга аграр ўзгаришлар стратегиясига синфий-мафкуравий ёндашув сиёсати ер ислоҳотидаги мавжуд имкониятлардан кенг фойдаланишга йўл қўймади. Хусусан, у сақланиб қолган «феодал-патриархал» муносабатларга зарба берган бўлса-да, ерсиз ва кам ерли деҳқонларни ер билан тўлиқ таъминлай олмади. Ислоҳот жараёнида кам қувватли хўжаликлар тортиб олинган 474893 десятина ер фондидан бор-йўғи 10 фоизини олдилар, холос [2.334]. Камбағаллар қатлами ислоҳотдан кейин ҳам кўпчиликни, умумий деҳқон хўжаликларининг 37,6 фоизини ташкил этарди. Мусодара қилинган ерларнинг асосий қисми эса колхоз ва совхозларга берилди. Ислоҳот давомида Ўзбекистонда 522 та колхоз ташкил қилинган эди.

Ер-сув ислоҳоти, яъни унинг миллийлаштирилиши келгусидаги қишлоқ хўжалигидаги ўзгаришларга моддий асос бўлиб хизмат қилди. Ислоҳот тамомлангандан кейин қишлоқ аҳолисининг бадавлат қатлами улуши кескин қисқариб, 1,4 фоизга тушиб қолди. Булар, асосан, 5-10 десятина ерга эга бўлган ва шу билан бирга ишчи кучи, от-улов ва қишлоқ хўжалик асбоблари билан етарли даражада таъминланмаган деҳқонлар эди.

Ислоҳот жараёнида ерни ижарага олишнинг мавжуд иқтисодий имкониятлари сезиларли равишда секинлашди. Ерни ижарага олишни синфий жиҳатдан қоралаш йўли шунга олиб келдики, у амалда барҳам топа бошлади. Коммунистик партиянинг ер-сув ислоҳотини ўтказишдан мақсади камбағал деҳқон хўжаликларини ер билан таъминлаб, унинг иқтисодий аҳволини яхшилаш эмас эди. Унинг асосий мақсади, аввало, қишлоқда «социалистик ижтимоий тузум»нинг моддий асоси бўлган жамоа бўлиб хўжалик юритиш шаклларини ривожлантиришдан иборат эди.

Адабиётлар:

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: Шарқ 1998.- 56 б.

2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида.- Т.: Шарқ, 2000.- 686 б.

3. Голованов А.А. Крестьянство Узбекистана: эволюция социального положения. 1917-1937 гг.- Т.: Фан, 1992.- 160 с.

4. Два года работы правительства Узбекской Советской Социалистической Республики 1926-1927-1928. – Самарканд: 1928.- 178 с.

5. Джамалов О.Б. Социально-экономические предпосылки сплошной коллективизации сельского хозяйства в Узбекистане. Госиздат УзССР, 1950.- 172 с.

6. Кунакова Л.З. Земельно-водная реформа в Узбекистане (1925-1929 гг.) – Фрунзе: «Мектеп», 1967.- 198 с.

7. Материалы статистико-экономического обследования сельского хозяйства Зарафшанской области 1926 года. – Старая Бухара. 1926.- 368 с.

8. Социалистическое переустройство сельского хозяйства в Узбекистане (1917-1926 гг.) Сборник документов.- Т.: Изд. АН. УзССР, 1962.- 681 с.

9. ЎзР МДА, 86-фонд. 1-рўйхат, 4360-иш, 294-варақ.

10. ЎзР МДА, 90-фонд, 1-рўйхат, 23-иш, 1-варақ

11. ЎзР МДА, 90-фонд, 1-рўйхат, 324-иш, 57-варақ.

12. ЎзР МДА, 90-фонд, 1-рўйхат, 368-иш, 15-варақ.

13. ЎзР МДА, 90-фонд, 1-рўйхат, 368-иш, 16-варақ.

Андижон давлат университети
2015 йил 9 декабрда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. Ў.Убайдуллаев)